

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 9 май
Сотувда эркин нархда
№ 88 (2385)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС ВА БАРҲАЁТ!

ВОРИСЛАР ИФТИХОРИ

Боғишамол кўёш жамолини кўрсатиб улгурмай кишилар оқимига тўлди. Карнай-сурнай садалари қир-адирларда акс-садо берди. Боғи Бобурга Хотира ва Қадрлаш куни олдида фан ва маданият арбоблари, шоир ва адиллар, жангхорларда қон кечган жасур ва мард кишилар, юрт оксоқоллари тўпланди. Жалолободдаги ўзбек миллий маданият марказининг раҳбари З. Мамажонов ҳам миллий боғда ҳозир бўлди. У Қирғизистондан Амир Темури ва Бобур излари бўйлаб отаравада йўлга чиққан илмий экспедицияга бошчилик қилмоқда.

Анжуманини Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Тиллабоев очди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, халқ шоири Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наим Каримов сўзга чиқиб, Бобур Мирзо, Чўлпон, Нодирабегим каби беназир инсонлар номларини ёд айлалди.

Бобур номи Халқаро илмий экспедиция раҳбари, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтганлардан саккиз нафарига аравачалар тортиқ этди. Шу кунги Боғишамолда ош тортилиб, бир неча ўғлоннинг суннат тўйи ҳам ўтказилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЗГУЛИК ЎЛМАЙДИ

Республика Инкассация бирлашмасида бўлиб ўтган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган анжуманда тармоқнинг меҳнат фахрийлари, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, соҳа ходимлари тўпландилар.

Тадбирни очар экан, бирлашма бош директори Ҳамдам Носиров Ватан озодлиги йўлида жонини фидо этганлар, эркинлик ва ҳуррият учун қурбон бўлганлар, хизмат бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган соҳа ходимларининг ҳар қанча гапирсақ, хотирласак озлиги ҳақида, халққа хизмат қилишни ўзининг олий мақсади деб билган бугунги устозлари, олийжаноб инсонлари қадрлаш улугвор вазифа эканлиги тўғрисида гапирди.

Анжуман иштирокчилари жаҳон уруши ва ўтган йилги феврал воқеалари даврида хизмат бурчини ўтаётиб ҳалок бўлган бирлашма ходимларини эсга олдилар. Сўз олган бирлашма фахрийлари Фани ота Мавлонов, Қудрат ота Тиллаев бугунги эркин ва оқсоқил ҳаётининг қадрига етиш навиқрон авлоднинг бурчи эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир сўнгида меҳнат ва уруш фахрийлари бирлашма раҳбарияти томонидан қимматбахо совғалар билан тақдирланди, йиғилганларга ош тарқатилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ФАРФОНАДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Фаргона мамлакатимизнинг нуфузли халқаро турнирлар ўтказиладиган марказларидан бирига айлиниб бораётти. Фикримиэни «Челленджер» халқаро турнирининг олтинчи марта шу дилбар шаҳардаги «Истиклол» кортида ўтказиладигани ҳам исботлаб турибди.

Кунги кеча бўлиб ўтган халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросими Хотира ва Қадрлаш куни мажмуининг кортларига юзлаб иштиробозлар таъриф буришиди. Ун саккиз мамлакатдан етиб келган 80 дан зиёд теннисчи ўз юрталари байроғи остида саф тортишди. «Теннис, спорт, саломатлик» шiori остида ўтказиладиган мусобақаларни Фаргона вилоят ҳокими Алишер Отабоев очди. Шундан сўнг кортага ўтган йилги мусобақа голиби — белоруссиялик Александр Швец ва зимбабвелик Кевин Улиентлар чиқишди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.



— Нега ҳаяжондасиз, бобожон?
— Бир умр излаганим — қуролдош дўстимни топдим-да, болам!

Нўзмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

“Ўзломасхулот” давлат акциядорлик корпорацияси акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда корпорация тизимдаги корхона ва ташкилотларда иқтисодий ислохотларнинг бориши таҳлил этилиб, талдаги вазифалар белгилаб олинди.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Йиғилишда корпорациянинг ишлаб чиқариши тармоқларида мамлакатимизда илчиллик билан давом эттириладиган иқтисодий ислохотлар доирасида муайян ишлар амалга ошириладиган бўлса-да, молиявий-ташқилий ишларда талай ҳато ва камчиликларга йўл қўйилганини таъкидлашди. Ушундан ташқари, таъйинлов корхоналарида донни қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва сотишда қонунбузарлик, талон-тороқ, кўзбўямачилик, таниш-билишчилик ҳоллари аёв олган. Ҳисоб-китоб ва статистика маълумотлари қалбқалаштирилган. Дон ва дон махсулотлари ҳукумат томонидан белгиланган фонд миқдоридан ортиқча сарфлаб юборилган. Тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарзи 35 миллиард сумдан ортиб кетган. Маъмулотилик максимал сиз иштило ҳоллари ҳам кам эмас. Айни пайтда соҳага қарий инвестицияларни кеңг жалб этиш, қурилиш бошланган ишностларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, маъмулотилик кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш каби иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилларига эътибор берилмаган.

Йиғилишда ташқилий масала кўриб чиқилди. Корпорация кенгашининг янги таркибдаги аъзолари ва бошқаруви остида саф тортишди. «Теннис, спорт, саломатлик» шiori остида ўтказиладиган мусобақаларни Фаргона вилоят ҳокими Алишер Отабоев очди. Шундан сўнг кортага ўтган йилги мусобақа голиби — белоруссиялик Александр Швец ва зимбабвелик Кевин Улиентлар чиқишди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Ўртоқ аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прапоршиқлар, офицерлар ва генераллар!
Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари!
2000 йилнинг 9 май кунини мамлакатимиз аҳли ва унинг шавқатли Қуролли Кучлари юксак эҳтиром ва фахр тўйғулари билан умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини нишонламоқда.

Бу кунги биз она юртимизни матонат билан ҳимоя қилган, Ватанимиз эркин ва мустақиллиги йўлида жонини фидо этган ватандошларимизни хотирлаймиз. Биз бугунги кунда сафимизда турган ва ўзининг

фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга, ёшларни юксак ҳарбий ватанпарварлик ва маънавий ахлоқий руҳда тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшаётган уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Ватан ҳимоячиларининг бугунги авлоди ота-боболарининг қаҳрамонона аънавларини давом эттирмоқда. Қуролли Кучлар жангчилари конституциявий бурчларини бажара туриб, уларнинг

касб маҳоратларини такомиллаштиришда, ҳарбий маҳоратларини ошириб, давлат мустақиллиги ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга ҳамиша шай турибдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучларнинг Бош Қўмондонини давом ва топширишга қўра Сизларни Хотира ва Қадрлаш кунини билан муборакбод этам.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, Ўзбекистон Республикасининг порлоқ келажаги йўлидаги меҳнатингизга

ривож тилайман.
Ватанимиз эркин ва мустақиллиги йўлида жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотираси ҳамيشа қалбимизда яшайди.
Хотира ва Қадрлаш куни нишонланиши муносабати билан

БУ ЮРАМАН:
2000 йил 9 май кунини соати 21.00 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда замбараклардан 21 марта ўқ отилиб, байрам салоти ва мушакбозлик амалга оширилиши.

Ю.АБЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-лейтенант
Тошкент шаҳри,
2000 йил, 8 май.

ХОТИРОБОД

Бир неча ой муқаддам жадал бошланган қурилиш йўқ экан «Шаҳидлар хотираси» мажмуи қад ростлади. Шўҳча бикиндаги «Мингирки» маҳалласида яшайман. Хар кун ишга шу қўчадан ўтиб, қайтаман. Қурилиш ҳақида турган қандаш хабардорман. Кечаю кундуз иш тўхтагани йўқ. Қўп хашарлар бўлди. Ёш-яланг, эрқаю аёл, чолу кампирлар, талабалар, хизматчилар, раҳбарлар қатнашди. Ким ер чопган, ким қўчат эккан,

гул ўтказган, сув қуйган, суғуриб-сидирган. Чинор, арча, тераклар экилган тупроқда шаҳид кетган қайсибир бобомизнинг қони бордир балки. Тумонат одами кўриб бир ҳақиқатга амин бўлдим: халқнинг дилида, тилининг учида

текис буй чўзган адл тераклар. Беитиёр қатагон жабрини қўп тортиган, кейин ҳам айтарли рўшнолик кўрмаган хассос шоиримиз Миртемирнинг сатрлари ёдга тушади: «Мажнунот тагига ўтказин мени, Мен учун йилгасин, мен йилга бўлдим».

«Шаҳидлар хотираси» мажмуи Хотира ва Қадрлаш кунини маъракамаросимининг маънавий давоми, узвий қисми, қатагон қурбонлари руҳи покени шод этиш йўлидаги катта ва кутлуғ қадам, авлодлар миннатдорлиги рамзи, Юртбошимиз гоёси, ташаббуси, саъй-ҳаракати самараси. Меҳр-эъзос дарёсига қўшилган йирик бир ирмоқ.

Сайди УМИРОВ,
доцент.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

• Россия президентлигига сайланган Владимир Путин кунги кеча қасамёд қабул қилди. Утказилган сўзларда сайловчиларнинг 52 фоизидан ортиқ овозини олибди муваффақ бўлган В.Путин ўз сузида Россия кучли, эркин, демократик давлат бўлиши ва уни асраш кераклигини алоҳида таъкидлади. Милгумотларга қараганда, яқин кунларда мамлакат ҳукуматиининг янги таркиби эълон қилинади.

• БМТ Хавфсизлик кенгаши Эритрея билан Эфиопия ўртасидаги муносабатларни тиклаш учун бу икки мамлакатга ўз делегациясини жўнатмоқчи. Жўнатилмак миссия янги пайтда Марказий Африка давлатлари бўйлаб сафарда юрибди.

• Буюк Британия ҳукумати мамлакат ҳарбий-денгиз кучларининг Габриел Африкага жўнатиладиган тезкор гуруҳи сафига 800 нафар десантчини ҳам қўшишга қарор қилди. Бу бўлишма Сьерра-Леонеда аҳвол кескинлашиб, маъмур мамлакатда яшаб турган британияликларнинг олиб чиқил кетиш зарурлиги туғилганда ишга киришди.

• Иордан дарёсининг габриел соҳилида жойлашган Рамаллох шаҳрида Исраил Бош вазири Эхуд Барак билан Фаластин раҳбари Есир Арафот ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Уни АКШнинг Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи махсус вакили Деннис Росс ташқил этди.

• Шинмолий Корея билан Австралия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Бу икки мамлакат 25 йилдан буйв расмий алоқа қилмай келган эди.

• Европа Иттифоқи янги валютасини қимматини тиклай олмади. Бу иттифоқ мамлакатларида сибсий ва ижтимоий кескинликни юзага келтирмоқда. Шу муносабат билан ЕИ мамлакатлари молия вазирлари Брюсселга йиғилиш, муаммонни қал қилиш йўллариини муҳокама қилиш бошлади.

• Нью-Йоркда журналист Олег Еқубовнинг рус ва инглиз тилларида чоп этилган «Вольга став» («Бурлар усти») номи китобининг тақдими бўлиб ўтди. Мазлумки, ушбу китобда ўтган йилнинг 16 февралда республикамиз пойтахтида мамлакат конституцион тузумини алдариш мақсадида террористлар томонидан содир этилган портлашларнинг қонли воқеалари ёзилган эди.

«ЎЗБЕКISTON БИЗНИ МАФТУН ЭТДИ»

япониялик сайёҳларнинг юртимиз ҳақидаги фикри ана шундай

Бу сайёҳлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Япониянинг «MAS» компанияси ўртасидаги Нағоя-Самарқанд-Нағоя аўналияси бўйича ижара қатнови бўйича битим доирасида амалга оширилган биринчи парвозда ўчиб келишган эди. Шундай қилиб, «Самарқанд» аэропорти Япониянинг 147 саёҳатчи ва бизнесменини кўтиб олди. Уларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли «Боинг-757-200» ҳаво кемаси олиб келди. Бир ҳафта давомида япониялик сайёҳлар ва ишбилармонлар доиралари вакиллари Буюк ипак йўлининг маъшури шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хивада бўлишди. Шунга қайд этиш керакки, японияликларнинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Япониянинг 11 та фирмаси «Uzbekistan airways servis» қўша компаниясини ташқил этди. Муассислар орасида Япониянинг йирик савҳатчилик фирмаси — «HIS» ҳам бор. Японияликлар савҳатчи қадими Самарқандни томоша қилишдан бошлади. Шаҳар

нинг ўзига хос қиёфаси, аънавалари, миллий маданият ҳақидаги уларда катта таассурот қолдириди. **Нағоя шаҳрининг 82 яшар фукраси Ока Сан хоним шундай деди:** — Мен дастлаб анча хавотирга тушган эдим. Бирор саёҳат жуда қизиқарли ўтди. Нафақат қадимий обидалар — Самарқанд, Бухоро, Хива миноралари, балки ўзбекистонлик аёллар, уларнинг хунари ҳам менда катта таассурот қолдирди. Японияга яна шу юртга қайтиш ораси билан кетяман!

Сайёҳлар гуруҳининг раҳбари, 43 яшар Йохео Сабан: — Узининг сайёҳлик фирмамдан 48 кишини олиб келдим. Ўзбекистонга савҳатининг нархи икки ярим миңг АҚШ долларига тенг. Бу катта маълаб, бироқ, савҳат кутганимиздан ҳам зиёда бўлди. Мен Буюк ипак йўли, унинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ҳақида кўп ўқиганман. Самарқанднинг мадрасалари ва Регистон майдонини мени хайратга солди. Гуруҳимизнинг айрим аъзолари ана Ўзбекистонга қайтиб келиш

истагини билдирмоқда. Бу савҳат ҳаммамизни маънан ва руҳан бойитди. **Хирон Мимоки, «Travel sekaico LTD» сайёҳлик фирмаси менежери:** — Марказий Осиёга бешинчи марта келишим. Ҳозир Японияда «Олтин ҳафта» кечмоқда. Бу пайтда хар бир киши бирон-бир эсда қоларлик иш қилиши керак. Мен Лотин Америкасига ёки Ўзбекистонга савҳат қилишни мумкин эди. Ўзбекистонга келганимдан ачинамайман. Бу ердаги савҳат ниҳоятда сермазун ва қизиқарли ўтди. Қадим замонлардан буйв Буюк ипак йўли турли миллат ва элат вакиллариини бирлаштириб келган. Бугунги кунда бу қадимий йўл яна одамлар, давлатлар, минтақаларни яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Д.САИТОВА,
ЎзА мухбири.

МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Пахта тозалаш саноати корхоналарининг мустақил ҳужайли юритиш фаолиятини яхшилаш, бошқаришда акциядорлар манфаатини ошириш, тармоқни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлаш бозор иқтисодининг долзарб талабидир. Термизда Республика Вазирлар Маҳкамасининг ана шу масалага бағишланган қарори ижроси бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкчини бошқариш ва тadbirkорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси У.Исмаилов бошқарди. Ийгилишда пахта етиштирувчилардан қолашени сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотишга иктиссослашган очик турдаги акционерлик жамиятларини шакллантириш жараёнини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Бу жараёнда давлат, пахта етиштирувчи ширкат ва деҳқон-фермер ҳўжаликлари, чет эл инвесторлари улушини вужудга келтириш механизмларига эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ



ФИДОЙИЛАР

Мустабидлик даври, улугъ адбимиз Абдулла Қодирий тили билан айтганда, яқин ўтмишимизнинг "қир ва қора кунлари" ҳисобланади. Бу даврнинг ҳақиқатларини тўла очиб ва бегуноқ қурбон бўлиб кетганларнинг хотирасини тиклаш учун ҳозирги кунда катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўртбошимиз ташаббуси ва ҳукуматимизнинг саяёҳаракатлари билан Мустабидлик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича Жамоатчилик комиссияси ва унинг ҳузурда "Шахидлар хотираси" хайрия жағмағарасининг ташкил этилганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Қисқача маълумот: Ушбу Жамоатчилик комиссияси ва "Шахидлар хотираси" хайрия жағмағараси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли Фармойиши ва унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлда қабул қилинган "Ватан ва халқ озолиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарорига биноан ташкил этилди. Унинг 22 кишидан иборат аъзолари, 29 та ийрик ташкилотдан иборат ҳимоятчилар гуруҳи тасдиқланган. Жағмағарга Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 69-ўй — Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи биносидан жой

зум асримизнинг 90-йилларига давом этиб, халқимизга не-не офатлар келтириганига гувоҳ бўлиб турибмиш. Бугун архив ҳужжатлари ва кенг жамоатчиликдан олинган турли маълумотлар бу ҳақиқатни яна бир қарра "ҳужжатлар тили билан" тасдиқламоқда.

— Наим Фотиҳович, ўрганилган дастлабки ҳужжатлар ва мавжуд тарихий далиллар асосида шўро тузуми давридаги мустабидликнинг халқимиз бошига солган қуфлатлари тўғрисида нима-лар дея оласиз?

— Биласизми, бу давргаги ахвол ҳозир янада ойдинлашди. 1917 йилдаги феврал ва октябр тўнтаришларидан сўнг Ўзбекистондаги илбор намоёндаларни фиқридан Истиқлол эркин ҳаётга интилиш голялари туртилган эди. Бундай голя ривожланиб, қизгин сиёсий курашлар натижасида Туркистон Мухторияти вужудга келди. Бирок кўп ўтмай, 1918 йилнинг март ойида Мухторият тор-мор қилинди ва миллий озолиқ ҳаракатларига қарши оммавий қирғинлар авж олдириди. Чунки Мухториятнинг мавжудлиги, миллий мустақилликнинг қарор топиши шўро раҳбариятининг мустабидлик сиёсатига таъминла эид эди. Шунга қарамадан, 1926 йилда Мунаввар қори бошчилигида "Миллий иттиҳод" ва "Миллий истиқлол" ташкилотлари тизилиб, бу ташкилотлар ўз фаолиятини давом эттир-

ди. Аслида, бу даврга келиб, ушбу ташкилотлар анча кучсизланган ва советларга қарши фаолиятини тўхтатган бўлишига қарамадан, мустабидликлар 1929 йилга келиб, унинг Мунаввар қори етакчилигидаги 80 кишилик аъзоларини қамоққа олди. Шундан кейин миллиятимизнинг ёруғ фиқри қолган вақиллари, ҳатто ўқитувчи, газета тарқатувчи, шифокор каби оддий эвлиялар ҳам бирин-кетин қамоққа олини бошланди...

Биз суҳбатлашавганимизда ёнимизда сочлари оқарган бир киши ўтирган эди. Наим Каримов уни менга "Мақсудов Мирзохид" деб таништирди. Маълум бўлишича, бу кишининг отаси Мақсуд Маҳмудқориев Тошкент вилоятига қаршили собиқ Оржоникидзе тумани марказида қиосқачи бўлиб ишлаган экан. Уни "Советларга қарши тарғибот олиб боргансан" деб айбонлаш қамоққа олишибди. Мирзохид Мақсудовнинг ўзи ҳам отаси билан кетма-кет, ўша 1929 йилда қамоққа олиниб, уч йилга Урал тоғлари атрофидаги Юрвеево қишлоғига сургун қилинган. Мақсуд ака кейинги йилларда отаси тўғрисида дарак излаб, собиқ шўролар тузумининг кўпгина идораларига кириб чиқибди. Ҳамма жойда бир хил: "Қамоқда, сургунда ўлган бўлса керак" деган мавҳум жавобни олибди. Мустақиллик йилларида унинг ўз отаси

Эътироф

БОШИМИЗ ОСМОНГА ЕТДИ

Шукр. Бизда байрамлар сероб. Аммо 9-Май биз, уруш қўрган одамлар учун ниҳоятда азиз байрамдир. Унинг Хотира ва Қадрлаш кунига айлан-тирилгани айни мудоао бўлди.

Уруш бошланганда мен хали ўспирин эдим. У ерга сопла-соқ бориб, уйга бир оёқсиз қайтганман. Худого минг қатла шукрки, мамлакатимизда мен сингари ёрдамга муҳтожлар ёлғизлиб қўйилмапти. Бизларга катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Ана шу савоб, ҳайрли ишларнинг тепасида шахсан Юртбошимизнинг

ўзлари турибдилар. Қаранг, нафақамизни ойма-ой келтириб беришмоқда. Байрам олодидан, биз, уруш қатнашчиларининг ҳар биримиз беш минг сўмдан пул ҳам олдик.

Меҳрибончиликдан бошимиз осмонга етди. Зеро, 9-Май катта ёшдагилар учун қадр-қиммат, хурмат ва эҳтиром байрами ҳисобланади, ўғил-қизларимиз учун сабоқ, яъни бугунги дорилло-мон кунлар қадрига етишини ўргатувчи байрам бўлиб қолмоқда.

Усмонжон НУРАЛИЕВ, Боликчи тумани, Эскиқоққулбод қишлоғи.

БОЛТА БОБО ТУЙГАН ФУРУР

— Самарқанд осмонда қолдуларни ўқиб, гижиниб кетдим. — деганди бир суҳбатда Болта Шеробоев жигибирони чиқиб. — Тарихи ҳам шунчалар бузишадими? Ҳе, ўргиндим ўша социалистик реализмдан. Амир тарих бутунлай бошқача бўлган-ку. Амир Темурдай халоскор эот борми, дунёда...

Бу гаплар 70-йилларда бўлиб ўтганди. Ушанда Болта ака энди-гина Шахрисабз туманидаги Энгельс номи (ҳозирги Амир Темур номи) жўжалика раис бўлганди. Раис бўлганда ҳам у бошқача раис эди. Гапи ҳам, сўзи ҳам, муомаласи ҳам бировага ўхшамасди. 1939 йили бор-йўғи қишлоқ жўжалик техникумининг хисобчилик бўлимини тутатган, кейинчалик Тошкентдаги хисобчилик курсида ўқиган бу одамни элп доржон, эр-қоқ иктисодчи сифатида тан олишарди. Зеро, у "Ўзбекистонда нима кўрсатган иктисодчи" эди. Фарход ГЭСни қуриштириш асосини қўрган, сўнгра жўжалика кетмон қоптан, табеличилик қилган, бош хисобчи бўлган бу одам 1973 йилда раисликка кўтарилди. Аммо азоб ёб, машаққат тортиб, вояга етганлиги сабабли бурни кўтарилмади. Аввал қандай бўлса, раислиги чоғида ҳам шундай қолди, ўзгармади.

— Биз... Амир Темур авлодими, Темурийими, — дегди ўшанда у. — Не тонки, ҳозир занжир-бандимиз.

У афсус билан бош чайқарди. Сўнгра графдан (Лев Толстой), унинг «Уруш ва тинчлигидан» сўз очарди. Достоевскийнинг услуби ҳақида бахс қиларди. Гоголнинг ҳажвиган мириқиб, ҳузур қилиб қуларди. Бедилдан ёдқои байт айтарди. Расул Ҳамзаевдан завок тугури. Адибнинг дастхати битилган китобларини кўрсатиб, у билан бўлган суҳбатларини мароқ билан яқон қиларди.

— Қачи эди бизнинг шоиру ёзувчиларимиз ҳам юртимизни шу одам каби улуғласа, қўларга кўтарса, — дегди у. — Афсуски... Аммо оқдан дарё оқмасдан қолмас. Мана, Абдулаллар чикапти. Фақат уларга кўз тегмасин-да.

Болта ака форча ва русчани номаж тушунарди, чуқур биларди. Шахсий кутубхонасиданги ўзбек, рус ва форс-тожик тилида битилган ўн миңдан зиёд нодир китобларни худда қадрларди. Тарихни бир тарихчилик ҳис қиларди. Адабиётни жон-дилдан севарди. Мумтоз адабиёт намоёндалари ижодини унча-мунча адабиётшунос у сингари тушуниб, таҳлил қилолмас эди деган, мулобала бўлмас. Шунинг учун ҳам Қарши Давлат педагогика институти ректори бўлган марҳум Ориф Икромов у кишига тан бериб, домлалиқча ҳам тақдир қилган экан.

— Э, раҳматой, — деган экан Болта ака, — бизга ким кўйибди домлалиқчи. Ифодай, кетмонимиз чоғи ораверайлик.

Ҳар гап учрашганимда янги-янги китоблар ҳақида сўз очарди. Гапнинг очиги, у киши қачон китоб ўқишга вақт топаркин деб ҳайрон қиларди.

— Тўри, Бу китоб ўзимизда йўқ. Қавақдан олиб келуридим. Уёқса зарар қилмайди, — деганча Болта ака, муғомбирона кўз қисиб илжарди. — Сен билан Бозор (ўғли) кейинги пайтда ҳам ўқий-

буни қўрға-писа айтганимиз. Хали замоналар келди... Болта аканинг айтгани келди Шахрисабзга Соҳибқирон келди. Ва шу ерда мангу қолди. Шахри-нинг қоқ марказида. Энди Амир Темурнинг пойи гулларга қўйилиб ётади. Амир Темурни англаш ўзлики англашдир. Болта Шеробоев эса Амир Темурни жуда барвақт англаган. Шундан гурур туйган. Шунга муносиб бўлишга интилган. Паст кетмаган. Мана шунки дил-дилдан хис қилган Болта аканинг яқоқо яғона зурриёди Бозор.

«Оч қўлнинг Шахри Кеш Соҳибқироннинг келдилар, Юртимизга симаган Бир бағри қонинг келдилар...» деб байт битди. Президентимиз Шахрисабзга Амир Темур орденини топширган кунни отаси яшаган, ҳозирда ўзи муъжазгина уй-музейга айлантирган жонга қириб, падаари бузрукворининг қат-такон суварати қаршида тиз чўкиб, қўзда севиши ёши билан хитоб қилди.

— Отақон, Соҳибқирон шахри-мизга келди. Ким билан дейсизми? Президентимиз билан, худди ўзингиз тушларингизда қўрағдек, оқ олди.

Шахрисабзга Амир Темур ордени Берилиши, шаҳарнинг қоқ марказида унинг мақоабали ҳай-қалнини ўрнатилиши, назаримда, нафақат Болта Шеробоев, балки у сингари қор ишқиди ёниб ўтган барча аждодларимиз руҳини шод қилди.

Сиз орзу қилгандек кўнлар келди. Болта ака! Афсуски 1986 йилда, олтимига тўлиб-тўймай бу дунёни тарк этдингиз. Аммо ёлғиз фарзандингиз олти наваран-гизга ўн чеварангизга, аҳли қишлоғингизга, Шахрисабз элига одам дунёга келиб қандай яшаш керак, деган саволга ўз ҳаётигиз мисолида жавоб қолдириб кетдингиз. Бу эса ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиغان улкан бахтидир. Қолаверса, Сиз туйган гурурни Сиздек инсонларгина туй олади. Элу қор билан, шу юртинг буюқ фарзандлари билан фақрларини, уларга муносиб бўлишга интилиш учун дунёдан озми-кўпми хабардор бўлиш керак. Президентимизнинг миллий голя, миллий мафкура ҳақида жон кўндиряшларининг боқис ҳам шу Афсуски. Сиздан ёлғор қолган ўн миң китобдан, Сиз ҳаётигиздаги гап-сўзлардан, ишларингиздан бугунги ёшларнинг кўли бекбабар. Агар улар муъжазгина уй-музейингизга бир бора қадан рағибди қилсанлар, Сиз туйган гурурни хис қилишларига, ҳаётга оник кўз билан қарай бошашларига ишончим қомил. Ишонамани, жўжалик ва туман раҳбарияти ҳам бунни тушуниб етди-да ва Сиздек ҳоғларда қадрлашга ошқанди. Ахир Болта бобо туйган гурурни дунёга дoston қилмоқ мумкин. Бундай дostonларни эшитиб ўлгайган авлодининг қал-биди қор ишқи қуртат отаверди. Шунинг учун ҳам Болта бобо Сиз тўтган гурурни тўймоқ бар-чамига насиб этсин, дейман.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Саргайган саҳифалар «сўзлайди»... Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лаҳзаси.

«ЁШ АВЛОД БОҒИ»ДА УЧРАШУВ

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 83-мактабга йўлингиз тушган бўлса, эҳтимол, кираверишда, ўнг ва сўл томонларда шовуллаб турган бир ажойиб боғга кўзингиз тушган-дур? Унга уч йил аввал асос солинган эди. Бу йилги баҳорда эса биология ўқитувчилари М. Мақсумжўзева, Ф. Умарова, Н. Комилова раҳбарлигида ўқувчилар яна 100 тудан зиёд мевали дарахт ниҳоллари ва 200 туп гул кўчати ўтказдилар. Ҳозир улар гурираб ўсмоқда.

— Қаранг, олдин эқилган ўрик, олма ва шафтоли дарахтлари бу йил фарқ ҳосилга кирди, — деди М. Мақсумжўзева қувончини яширолмай. — Бундан, айниқса, ўқувчиларнинг севиноларини айтмайсизми! Улар кўп қаватли уйлларда яшамайдиларми, табиатни соғиниб қолганларидан ҳар туп дарахт ва гулни меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Дарахтлик, ёш боғонларнинг меҳнати самараси шудқидкина кўриниб турибди: ер юшатиқан, мевали дарахтларнинг бир метрлик остки қисми оқланган...

Бизни бундан ҳам бошқа бир нарс қувонтирди. Мактаб жамоаси ўқувчилар яратган ана шу боғга «Ёш авлод боғи» деб ном берибди. Айни кунларда бу ерда турли кеча ва тадбирлар ўтказилмоқда. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунлари арафасида эса «Ёш авлод боғи»да уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокчида учрашув бўлиб ўтди. Бу боғ ёшлар томонидан ўтган авлодларимиз хотирасига қўйилган муносиб ёдгорлик бўлибди, дейиш-ди меҳмонлар.

Ўз мухбиримиз.

СОЖИДА ОНАНИНГ БАРДОШИ

Тошкент шаҳридаги Хотира хибонида қад рoстлаган Мотамсаро Она ҳайкали менга Андижон шаҳрининг Гулистон маҳалласида яшовчи, 94 ёшли уруш беваси Сожида она Қурбоновани эслатади.

— Дунёдаги орзу-армонингиз нима? — деган саволга ҳар ким турлича жавоб айтди. Кимдир зебу зийнат, бойлик, мартаба деса, яна биров оқори лавозимга кўтарилишни тушунади. Мен шу саволни Сожида онага бериб қўрдим.

— Орзу-армонимни айтсам, еру замин титраб кетади, — дейди онахон. — Бу ушалмас армонингиз отини Дийдор дегим келди. Ҳали ёруғ дунё нелигин билмай, тупроққа бош қўйган фарзандларим, «мен қайтиб келаман» дея урушга кетиб қайтмаган умр йўлдошим, оталик меҳрини кўрмаган жигарғушаларим билан кеңирган кўнларини эсласам...

Мен унинг кўз ёшлари юваётган сержаник юзларидан ўлгим, пойига бош ургим келди.

Сожидахон билан Аҳмадоҳуннинг ҳаётига ҳамма ҳавас қиларди. Сожидахон ёшлигида шаддоқ, бир гапириб ўн қуладиган қувнок аёл эди. Фарзандларини кетма-кeт тупроққа топширавериб ғамгин бўлиб қолди. Айниқса, турмуш ўртоғи ҳарбий хизматни ўтаётган пайтда уруш бошланганини эшитган, оромини йўқотди. Яхшиям онаи-зор бор экан. Иссиғида ҳам, совуғида ҳам қизига далда бўлди. Сожидахон ишлар, кетмон қолиғида ҳам, йиғим-терим даврида ҳам омон қолган фарзандлари устини бут, қоринни тўқ қилиш учун чарчашини-да унутди. Эридан икки ойда бир марта келадиган мак-тубларни кўзига суртиб,

ўпиб ўқирди. Йиллар, ойлар ўтиб, уруш тугади. Урушга кетганлар бир-бир қайта бошлашди. Бирок Сожида кутган одам қайтмади. Шундай бўлса ҳам у умидини узамади. Ойдин кечалари «тик» этган товушга ҳам қулоқ тутиб, интизор бўлиб кутди. Орадан икки йил ўтиб «қора хат» келди. Аёл уруш йилларидаги йўқчиликка, киш-қировли кўнларининг оғирликлари-га, фарзандлари касал бўлганда тулларни тонларга улаган дам-ларга дош бериб келган эди. Аммо умр йўлдошининг «қахрамонларча ҳалок бўлган»идан бир

Агар йўлингиз тушса Андижон шаҳар Гулистон маҳалласидаги Б. Маҳмудий кўчасида жойлашган 20-хона-донга албатта кириб ўтинг. Бу хонадонда сабру қаноатга сиғинган Сожида она умргузаронлик қилади. Унинг ҳаёти биз ёшлар учун Вафо ва Садокатнинг ҳақиқий тимсолидир.

Феруза МИРЗООЛИМОВА, Феруза АҲМЕДОВА

ВАПААНИНИ АСЛИДА ВАПААН ҚИЛГАНАЛАР

Ватани аслида Ватан қилганлар, Эрк учун жонларин гулхан қилганлар, Тилларни кессалар, кўзларин ўйса, Бир-бирга дил билан сухан қилганлар, Ватани аслида Ватан қилганлар.

Эргашса офтобга эргашиб юрган, Туллари хобига озолик кирган, Мағрифат боғининг боғбони бўлиб, Ҳар фарзанд қошида жиммайиб турган, Ватани аслида Ватан қилганлар.

Тиз чўккан тизларин ўзи сандирган, Ўғли элдан чиқса қизи сандирган, Ватан вафо ичра очилган суя, деб, Ҳар кўнги кўзида ҳайрат ундирган, Ватани аслида Ватан қилганлар.

Ёнинг яхшиси йўқ деган ҳам улар, Зоғнинг бахшиси йўқ деган ҳам улар, Миллатини кўксидо буй чўзган чинор, Ҳар дилда қўқламдек кўқариб келар, Ватани аслида Ватан қилганлар.

Мақтов маҳам бўлмас, бил қурбонларга, Оятда ором бор шадид жонларга, Қўлларин дуога қатта оч, элим, Шўқрона жондир эркли оналарга, Ватани аслида Ватан қилганлар, Эрк учун жонларин гулхан қилганлар.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ЧИРОФИ СҮНМАЙДИ

қўжаев бўладилар, — деди Наим ака ва қисқача маълумот берди: — Турғун акалар оиласи 1931 йилда Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган.

— Қишлоқдан 50 оила Херсонга айдалган эди, — дейди Турғун ака.

— Сабаб? — сўради мени.

— Сабаби, колхозлаштиришга қарши чиқдиларинг, давлат сийосатига нисбатан қўпуровчилик қилгансанлар, деб айб қўйишди, — деди у.

— Асл сабаби бошқа ёқда эди, — деди Наим ака суҳбатининг давом эттириб. — Маълумки, пахта — қимматли ҳақ хомаш. Чет элда уни олтинга олишар эди. Шу сабабли қизил салтанат раҳбарлари Урта Осиёдан ташқари Украина, Молдавия ва Россиянинг иссиқ хароратли худудларида ҳам пахта етиштиришни режалаштиришга эди. Пахтани эса унинг "тилини билган одамлар" етиштириш оларди. Мана шу манфаат сабаб, Ўзбекистондан қўллаб олинлар "қулқ", "муштумуз" деган айбларга дучор қилиниб, ана шу мамлакатларга пахта етиштириш учун бадарга этилди. Бадарга қилинганларнинг ховли-жойлари, мол-мулки давлат хисобига мусодара қилиниб, фақат қўрпа-тўшак олишига рухсат этилган. Улар қўчи борган ерларда ҳам "тузум душманлари" сифатида қарши олинган. Ўша пайларда авж олган оқликдан қўллаб олинлар вафот этиб кетишган. Немис-фа-

шистлари уруш бошлаганида мамлакатнинг Европа худудидagi аҳоли Урта Осиёга кўчирилди. Аммо Ўзбекистондан сургун қилинганлар ўша ерда қолди. Улар фашистлар чағалига тушиб, оғир азобларни кўришди. Мана, Турғун ака бошдан ўтганларнинг ўзи бир фожиавий тарихдир...

Турғун Умарқўжаев Юнусободдаги "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини очилиши маросимида қатнашиб, унинг тақдирини ўша тақдир билан тақдир қилган экан. У киши рўйхатга киритилибди. Турғун ака бундан мамнун бўлиб, биз билан хайрлашди.

— 1937 йилда, — деб хикоясини давом эттирди Наим Каримов, — навабт Ўзбекистоннинг энг атоқли намояндаларига келди. Худди шу йил Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фулом Зафарий, Ғоzi Юнус, Усмон Носирлар катогон қўрбонлари бўлиди. Худди шу йилларда Ахмал Икромов, Файзулла Хўжаев каби республика раҳбарлари, вилоятлардаги партия-совет ташкилотларининг етакчилари қамоққа олиниб, қириб ташланди.

Наим Каримов мени Хидоятлов Иноят деган кишининг "жиноий иш" тафсилотлари билан таништирд. Хидоятлов Иноят — ЎзЛКСМ Марказий қўмитаси котиби бўлиб ишлаган экан. У ўша йилларда Ўзбекистон-

дан Москвагача бўлган узок йўлни велосипедда босиб ўтиб, спортчи сифатида ҳам доврқ қозонибди. Лекин "Икромовнинг думи" деб уни қамоққа олишди. "Айби нима денг? Гўё у Москвага фарзали мақсад билан велосипедда борган экан. Спартакиадада қатнашиб, минбарда пайдо бўладиган Сталинга тўппончадан ўқ узишни режалаштирган эмиши..." Худди шу йилларда ЎзЛКСМ МК биринчи котиби Ортиков ва унинг атрофдагилар ҳам террорчиликда айбланиб, отиб ташланди.

Наим Каримов фикрини давом эттирди:

— Иккинчи жаҳон урушидан кейин қатогон сийосатида янги бир давр бошланди. Бу йилларда яна халқимиз ўзининг илгор зиёлиларидан жудо бўлди. Яъни "тозаланди". Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шухрат, Шукрулло каби таниқли ўзбек шоир ва ёзувчилари худди шу йилларда қамоқ азобларини тортиди. Мустабид тузум ўз сийосатидан асло адашмас экан. 80-йилларнинг ўрталарида "Ўзбек иши", "пахта иши" қамонияси бошланиб, 10 миңлаб кишилар қамоққа олинди. Қанчадан-қанча одамлар йўқ қилинди: ногирон бўлиб қолди.

— Мустақил мамлакатимизда марҳумлар руҳини эъзозлаш, Ватан ва халқ озадлиги йўлида ўзини қўрбон қилган фидойилар хотирасини абадийлаштириш бўйича чиндан ҳам катта ишлар



Қадамизгиз қутлағ бўлсин, авлодимиз давомчилари!

САДОКАТ НАШИДАСИ

— Ўз юртига садоқат, халқ бахт-саодати учун меҳнат Ватан фарзандларининг муқаддас бурчидир. Эл равнақига сийқидилан элзизмат қилган ўғил-қизларини Ватан асло унутмайди.

Отамиз — халқ маорифи алоқиси Иброҳимжон Хамидов катта-кичик давраларда кўпинча шундай дердилар. Минг бора шўқри, шўқридай ҳам бўлди. Бугун миңтаддор халқимиз дуога қўл очиб, номларини, муборак ишларини эслаётган улуг ва оддий инсонлар қаторида уруш қатнашчиси, узок йиллар Риштон мактабларида ёшлар шуғрига мамлакат озадлиги ва саодати учун кураш ва меҳнат қилиш, азиз Ватанимизга муҳаббатли бўлиш илмини сингдирган отамиз ҳам борлик билан фахрланаман, уларнинг ибратли умрлари ҳақида фарзандларимга хикоя қилишдан чарчамайман.

Халқ ўқитувчилари Қундузхон онамиз билан Иброҳимжон отамизнинг тотув умрлари, эл-юртга хизматлари биз, фарзандлар учун намуна. Отамиз Риштонда халқ таълимини равиолаштиришга бутун умрларини бағишлаган фарзандларимга хикоя қилишдан чарчамайман.

Отамиз Ватанимиз Мустақиллигини алоҳида бир қувонч

билан қутиб олдилар, ҳамюртларни истиклол меваларини кўз қорачиқидай сақлашга, ҳаммша оғох бўлишга даъват этдилар. Дастлабки ҳарбий таълимни у кишидан олган болалар орасидан бугун мустақиллигимиз хиймақчилири — кўпгина жаңговар зобитлар, кичик командирлар етишиб чиқди. У кишининг шогирдлари олимлар, маориф, соғлиқни сақлаш хизматлари муштақил Ўзбекистоннинг равнақи-га муносиб хисса қўшишяпти.

Хондонимизда саккиз фарзанд ўсиб-ўлғайдик. Катта акамиз Исмомилхон отамиз таълимини олиб, ҳарбий хизматчи бўлиб етишди. Сингиларим Эътиборхон, Иноятхон, Маърифатхонлар, уларнинг Маъмуржон билан Маъруфжон ота-онамиз касбларини эъллаб, мактабларда ёшларга билим беришяпти. Хар биримиз отамиз васийатларига амал қилиб, тахриба ва билимимизни мамлакатимиз таракқутишга муносиб хисса қўша олувчи баркамол инсонларни тарбиялашга сарфламоқдамиз. Илоийм, орзуларни ушлаган оталар руҳи шод бўлсин.

Юлдузхон ҲАМИДОВА,
Чирчиқдаги 9-гимназия ўқитувчиси.

ЭЪЗОЗ

Бобокалонларимиз — Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек каби қўллаб қомусий олимлар ўз илмий-ижодий мерослари билан нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда ўчмас ном қолдирганлар.

Орадан кўп асрлар ўтди... Туронзаминада боболаримиз меросларига ворислик қилувчи янги юлдузлар пайдо бўлди. Фан арибли, Абу Райхон Беруний номидаги республика давлат муқофоти совриндорин, математик олим Саъди Сирожиiddинов ана шуларнинг бири эди.

Республикамизда математика фани таракқути устоз номи билан чамбарчас болди. У умрининг охиригача замонавий математиканинг турли соҳаларида асосан эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг долзарб муаммолари, уларнинг ҳаётий татбиқлари устида изланишлар олиб борди. Олимнинг амалий математикага эътибори иккинчи жаҳон уруши йилларида синтетик масалалар билан шуғулланишидан бошланган дейиш мумкин. Кейинчалик, докторантурада ўқиб юрган кезларида илмий раҳбари, академик А.Н. Колмогоров таъриф этган «Тайёр сановат маҳсулотларининг сифатини статистик усул билан тадқиқ этиш» мавзусида жиддий изланди. Бунинг, натижасида респу-

бликамизда ишлаб чиқаришда қўллаш учун стандарт андозалар (ГОСТ) тузилган ва қорхоналарда тайёрланган маҳсулотни сифатли техника назоратдан ўтказиш учун қўлдан қилинган.

1984 йиллардан бошлаб у математик ишловларнинг геология масалаларида ишлатилиши бўйича давлат аҳамиятига эга бўлган муаммолар билан шуғулланган. Уста раҳбарлигида ЎзФА математика институтида қўшма лаборатория ташкил этилган ва бу лаборатория Навоий тоқ-металлургия комбинати билан ҳамкорлик қилган.

Ўзбекистон Миллий Университети ректори сифатида олий таълим тизимини, тарбия жараёнини такомиллаштиришга катта хисса қўшган олим республикамизда айна-

навий тўсга қирган мактаб олимпиадаларининг фаол асосчиларидан эди.

У иқтидорли ёшларнинг келажак олдидаги масъулиятини теран ҳис қиларди. Шу сабабли ҳам республикада чуқур билим берувчи мактаблар ташкил этиш, унга иқтидорли ёшларни танлаб олиб, уларга кенг шароит яратиб бериш муаммолари билан бевосита ўзи шуғулланган. Республика ёш математик-физиклар мактаб-интернати (ҳозирда Саъди Сирожиiddинов номида академик-лицей), Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги математика бўйича иختисослаштирилган мақсуд мактаб устозининг сай-ҳаракатлари натижасидир.

ЎзФА вице-президенти бўлиб ишлаган йилларида академик тизимини қатор ижодий ўзгаришлар кўз берди. Риштондан хорижий давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди, мутахассислар айриб-олаш йўлга қўйилди. III — Япония симпозиуми, аънавий Фаргона коллоквиумлари ўтказилди.

Устозининг хотираси уни қўрган-биланлар қалбидан асло ўчмайди. Тошкентнинг гаъжум кўчаларидан бирига ҳамда кўпгина мактабларга Саъди Сирожиiddиновнинг номи берилиши бундай улуг инсон хотирасини абадийлаштиришга қаратилган тadbирлардан биридир.

Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ,
академик,
Маҳмадот ҒАФУРОВ,
профессор.

1945 йилнинг феврал ойи. Кўчи билан ёқдан қор, худди уринишлари беҳуда эканлигини сезгандек, кечга томон портлаш ва ўқ овозларига ҳамондан равишда охишта тинди... Одер дарёсининг чап қирғоғи томонидан тинимсиз отилган снарядлар артиллериячилар бинарларга жойлашган ерга жаладек ёғилиб, янги қорини ҳам тўрқ билан қорши-тириб ташлади. Атрофга чўккан сукунат вақтинча эканлигини яхши билган жангчилар вақтни бой бермасдан, тўплар учун панажой ва траншеяларни мустаҳкамлашга киришдилар. Эртага бу ерда аёвсиз жанг бўлиши қутулмоқда. Дивизия қўмондонини бир соатга яқин қисм жойлашган худудда бўлиб, вазиятни кузатиб кетилиб, ҳам бежиз эмас.

Дарё ортида — Франкфурт шаҳри. Йўналиш стратегия жиҳатидан жуда муҳим. Кучли истеҳкомга айланрилган шаҳар тўғри Берлинга олиб борадиган 120 километрик асосий йўлни тўсиб турибди. Душман мана уни қўлдан бермаслик учун тиш-тирноғи билан қаршилик қўрашяпти, шубҳасиз.

Бир гуруҳ жангчилар кузатув пунктини тузатиш билан банд. Улар толиққан бўлишса-да, ғалабага яқин қолётганини билганликлар учун кайфиятлари кўтаринки. Бир-бирлари билан ҳазил-хузул қилган командирларга Савельевнинг келганлигини ҳам пайқамай қолди.

— Аҳвол қандай, жангчилар? — офицернинг хуш кайфият билан, бироз маъсурона саволидан йигитлар сержак тортишиб, дарҳол саломлашдилар. Топораққий раведка взводи бўлиб-қилиш Шокаримов бажарилган ишлар ҳақида батафсил хабарот берди. Батарей командирлари камтарин ва доврақд бу ўзбек йигитини анчадан, тўғрироғи 1943 йилнинг апрелидан буён биланди. Ушанда Саранск шаҳри-

«ШИФОБАҲИШ БУЛОҚ» ОТҲЖ

Ўзбекистон халқларини

9 май

Хотира ва Қадрлаш куну

муносабати билан қизгин қутлайди.

Мустақил Ўзбекистон осмони ҳамиша беғубор ва мусаффо бўлсин. Ҳар бир хонадонга осойишталик ва фаровонлик тилаймиз. Ватан мустақиллиги ва равнақи учун жон фидо қилган аждодларимиз руҳи Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиш учун курашимизда ҳамиша мададкор бўлсин.

О. ТУРАҚУЛОВ.

«Хавас-2000» БЕШИНЧИ ТУРНИР ҒОЛИБЛАРИ



Жумладан, кун кеча пойтахтимиздаги «Динамо» теннис kortларида «Хавас-2000» турнири нихосига етди. Хаварингиз бор, турли тоифадаги раҳбарлар ўртасида кечадагидан бу беш йил олдин асос солинган. Бу гагги бешинчи турнир аввалгиларидан иштирокчиларнинг маҳоратлари, тажрибалари ошганлиги билан ажралиб турди.

Хеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, баъзи катнашчиларнинг зарбалари, уйин усуллари профессионал уйинчиларникидан деярли фарқ қилмайди. Бу эса уларнинг теннис билан домий равишда шугулланишидан дарак беради. Хозирги даврда раҳбарларнинг ҳар бир дақиқа вақти ҳисобда эканлиги маълум. Хуш, улар қайси вақтда катта ракетка тутиб кортга тушишади.

— Мен тонги олтидан етти, етти яримгача теннис билан шугулланаман, — дейди Олий Махлис депутати, «Бухоротурист» хиссадорлик жамияти раиси Мансур Зокиров. — Биласизми, бу менга фақат наф келтирмаяпти. Аввало, саломатлигим яхшиланса, иккинчидан, кун бўйи кайфиятим аъло даражада юрман. Раҳбарнинг қайси қисми экан, ҳодимларники ҳам ёмон бўлмайди. Хулоса — кайфият яхши жойда меҳнат самараси ҳам юқори бўлиб бораверади. Энг асосийси, биз бүгун улғаяётган ёшларга, эртанги кадрларга ҳар томонлама — ҳам ишда, ҳам спортда урнат бўла олишимиз керак. Яна бир нарсани таъкидлашни хоҳлардим: «Хавас» яқин йилларда халқаро турнирга айланши шубҳасиз. Хозир мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакилларнинг катнашиши ушбу жараёнга дубоча вазифасини ўтаса ажаб эмас.

Ҳақиқатдан ҳам бешинчи турнир олдингиларидан тубдан фарқ қилди: мусобақага тайёргарлик ва ўтказиш ҳам, иштирокчилар савияси ҳам, кизиқиш ва оқши ҳам.

Хуллас, мусобақаларнинг иккинчи кунини, Ярим финал баҳслари бошланди. Кортда Фарғона вилояти ҳокими А.Отабон ва Ш.Узоқов прокурор жуптлиги Хоразм вилояти ҳокими И.Бобононов ва А.Қутлиев («Амулада» хиссадорлик жамияти раиси)га қарши баҳс бойлади. Унда фарғоналик хаваскорларнинг қўли баланд келди — 6/2.


Иккинчи уйинда Самарқанд шаҳар ҳокими А.Носиров ва А.Абдуҳалиқов (Самарқанд вилоят ИИБ хорижга чиқиш қирғиш бўлими бошлиги) жуптлиги Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов ва О.Носиров («Телеком-Тек» бош директори) билан ғолиблик учун кортга тушдилар. Қизгин беллашувлардан сўнг самарқандликлар 7/6(8) ҳисобида ғолибликка эришдилар ва финалга чиқдилар.

Қизғин шундаки, уларни финал баҳсида ҳам тўхтатиб бўлмади. Хал қилувчи беллашувда А.Отабон ва Ш.Узоқов жуптлигини 6/3 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ва бе-

шунчи турнир жуптлик баҳсларининг ғолиби бўлишди. Яқка баҳсларнинг ярим финалида республика «Камолот» жамғармаси раиси Х.Абдураимов ва В.Болкунов (Базирлар Маҳкамаси бош мутахассиси) ҳамда Мингбулак туман ҳокими М.Усмонов ва Ф.Ким («Ўзбекнегил-саноат» уюшмаси раисининг ўринбосари) узаро рубарў келишди. Чиройли уйин намойиш этган В.Болкунов ва Ф.Ким финалга чиқиб бош соврин учун беллашдилар. 6/2 — айнан мана шу ҳисоб билан Ф.Кимнинг қўли баланд келди.

Уйлаимизки, кейинги йили старт оладиган олтинчи «Хавас» янада қизиқарли кечади. Балки, юқорида М.Зокиров айтганидай, халқаро турнир мақсдамини олар Майли, яхши ният ярим давлат, деб туртиш хозирча.

Озод РАҲАБОВ,
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ
(суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



«НАСАФЛИК АЛЛОМАЛАР»
Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Қашқадарё давлат университети раҳбарияти ташаббуси билан «Насафлик алломалар» мавзусида илмий-маърифий анжуман ўтказилди.

Қарши шаҳри тарихида Нахшаб, Насаф номлари билан машҳур бўлган. Шаҳар тарихи жуда узоқ, асрларга бориб тақалмакда. Бинобарин, Насафий тахаллуси билан ижод қилган олим уламолар, шоирлар, тарихнавислар эҳди маълум. Мустақиллик боис насафлик алломаларни билиш, уларнинг ижоди билан танишиш имконияти туғилди.

Анжуманда юзлаб Насафийлар адабий-бадиий мероси, уларнинг азамати ҳақида аниқ манбалар асосида фикр юритилди, илмий маърузалар тингланди. Бу эса Қашқадарё ўлимида гуллаб-яшнаган илмий-маданий марказ бўлганидан дарак беради.

Дилфуза БЕГАЛИЕВА.

ЮРТ ҚАДРИ

... Мана, юртимизда яна баҳор. Олам анвоий гулларга бурканган. Қарға қараманг, яшариш, уйғониш, кўрамлик, улугворликни кўрасиз.

— Афсуски, мана шундай фаровон кунларга умр йўлдошим Махсум ака Хўжаев етиб келолмадилар. Аинқиса юртимизнинг мустақилликка эришган, ёрқин кунларини кўриш бахти у кишига насиб этмади, — дея ўз ҳикоясини бошлади Мухаббатхон ая Муҳитдинова. — Биз биргалликда ярим аср бахтиёр ҳаёт кечирдик. Болаларимизнинг ҳаммасини уйли-жоили қилдик, ўқитдик. Улар ҳозир турли соҳаларда баҳоли қудрат хизмат қилиб юришибди. Асли фарзандлар қамолтини кўриш, улар қўлга киритаётган муваффақиятлардан қувонининг ўзи катта бахт.

Махсум ака 1945 йили оғир араланган ҳолда, икки ҳамшира ҳамроҳлигида Тошкентга кайтидилар. Ушандан кейин бир оёқлари уйда, бир оёқлари госпиталда бўлди. У киши биринчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай сира тиниб-тинчимасди. Узоқ йиллар Қизрай туманидаги давлат ҳужалиқларидан бирига бошчилик қилди. Биргалликда олти фарзандни ўстириб, вояга етказдик. 13 набири, 5 нафар эварга бува-буви бўлдик.

Хозирда ёшим 80 дан бўлсам-да, юртимизда рўй бераётган улкан бунёдкорлик ишлари менга ҳамиша катта қувонч бағишлайди. Телевизор орқали, газета саҳифаларидан улугвор ўзгаришларни кузатиб бораман. Бўзсўв соҳилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилганлигидан беҳад қувондим. Президентимизнинг катта эсим аср бахтиёр ҳаёт бевоисита ташаббуслари билан халқимизнинг мустабид шурулар тузуми даврида қатоган этилган минг-минглаб асл фарзандлари хотирасига тикланган бу ёдгорлик мангу хотира рамзи бўлди.

Ўзбекистон муқаддас юрт. Бу заминда не-не буюк эгалар, алломалар вояга етган. Биз ўз фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларига шу қўтуғ, мунаввар Ватан ишқини жойлашимиз керак-ки, токи улар ҳар қадамда юрт қадрини, унинг бақор ва улугворлигини ҳис этиб яшашсин.

М. МИРАЛИЕВ
эбиз олди.

«ДАРИТАЛ» Ўзбек-Италия қўшма корхонаси

Италия технологияси бўйича европа сифат даражасидаги таркибий материаллардан

ЭРКАКЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЧАРМ

ПОЙАФЗАМИНИ

ишлаб чиқаради ва сотади.

Сотув - улғуржи ва чакана нархларда, бозордагидан арзон.

Италия коллекциясининг 1999-2000 йиллардаги модели.

Телефонлар: **УРҒАНЧДА (8-362) 223-39-91, Факслар: 229-21-78, 299-10-27.**

ТОШКЕНТДА 45-39-67. Манзил: Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 169 а. (собиқ газламалар дўкони).

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСИМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИЕВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЕВОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўғий ҳаёт — 133-57-34;
Хукук — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маълумот ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

UZMAKOM

9 МАЙ

ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ КУНИ

GSM СТАНДАРТЛИ УЯЛИ АЛОҚА, «ЎЗМАКОМ» ҚҚ ЖАМОАСИ СИЗЛАРГА ТИНЧЛИК, БАХТ ВА САОДАТ ТИЛАЙДИ!

Бизнинг манзилимиз: Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 8.
Тел.: 100-00-15, 100-00-16, 100-01-31, 100-01-62, 173-00-15
Факсларимиз: 100-98-98, 120-63-78.

Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

ВИДЕО КУЗАТУВ ТИЗИМЛАРИ

- TV - камералар
- Мониторлар ва бошқа жиҳозлар.

«Vinlad» ИИК қўйидаги ишларни амалга оширади:

- ✓ объектларни тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш ишларини бажариш;
- ✓ керакли жиҳозлар ва материалларни етказиб бериш;
- ✓ ўрнатиш, созлаш-ишга тушириш ишлари;
- ✓ буюртмачига тизимларни топшириш;
- ✓ кафолатли ва кафолатдан сўнгги хизмат кўрсатиш;
- ✓ буюртмачи ходимларини ўқитиш.

Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс: 50-03-61.
Дилер: Фарғона водийси, «АХСИ» ТИИФ, тел: (3732) 26-52-44, 24-19-39.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 376, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар **С. ЛУКИН** ва **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ХАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Ф. САНАЕВ.**
Навбатчи — **А. ШОКИРОВ.**
Мусалх — **А. САТТОРОВ.**

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни басмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топириди — 21.50

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---

ТАШКИЛОТ

ДУ-20, ДУ-50, ДУ-76 мм, пўлат қувурлар сотади.

Мулоқот учун телефонлар:
41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61,
41-27-04, 46-19-46, 144-38-18 (факс).

ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

2000 ЙИЛГА «ПЕДИАТРИЯ МУТАХАССИСЛИГИ» БЎЙИЧА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА-1, АСПИРАНТУРА-1

Кўжатлар институт директори номига қўйидаги манзилга юборилмас:

7000179, Тошкент, 2- Чинбой кўчаси, проезд Талант, 3-уй.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Маркази Кенгаши «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси

Совб УСМОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Мунгу» журналы жамоаси журналининг совбиқ бош муҳаррири **Зокир ЙҮСҮЛДШЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узқурилиш материаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Алишер Хайтанова волидан муҳтарамаси **Гуларая ая ХАЙТАНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси жамоаси Алишер Навоий номи санъат саройи директори Обиджон Холмқовга акаси **Қобилжон ХОЛИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Фанлар академияси «Фан» нашриёти рус тилидаги адабиётлар ва вақтинги матбуотлар бўлими мудири Халима Рауповага волидан муҳтарамаси **Малифа РАУПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ўқув бўлими бошлиғи Умрқоқ Мирзаева отаси **Мақдамбой МИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.